



## ТАНОСИЛ ЁКИ ОИВ КАСАЛЛИГИ/ОИТСНИ ТАРҚАТИШ ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШДА УЧРАЁТГАН АЙРИМ МУАММОЛАР

**<sup>1</sup>СУЮНОВ БОБУРЖОН БАХАДИРОВИЧ**

Миробод тумани ИИО ФМБ ТБ катта терговчиси

**<sup>2</sup>КУРАМБАЕВ ТОХИР ХОСИНБАЕВИЧ**

ИИВ Академияси Тергов фаолияти кафедраси ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8047057>

### ARTICLE INFO

Received: 08<sup>th</sup> June 2023

Accepted: 15<sup>th</sup> June 2023

Online: 16<sup>th</sup> June 2023

### KEY WORDS

Таносил касаллиги, ОИВ касаллиги, ОИТС, вирус, тарқатиш, инсон иммунитет танқислиги, синдром, терговга қадар текширув, алгоритм.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича терговга қадар текширув даврида учраётган айрим муаммоли ҳолатлар ва уларнинг ечими бўйича қонунчиликка таклифлар ишлаб ҳамда терговнинг ушбу босқичида ўтказиладиган тергов ва процессуал ҳаракатларнинг концептуал алгоритми ишлаб чиқилган.*

Ҳозирги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозир дунёда ОИВ касаллигидан азият чекаётган 40 миллионга яқин бемор бор. Улар сони йилига ўртача 1,5 миллион нафарга кўпаяётганини, энг ёмони, хасталик ҳар йили 600 мингдан зиёд кишининг ҳаётига зомин бўляпти таъкидлаш жоиз. Умуман, Ер юзида ОИТС эпидемияси бошлангандан буён 75 миллион одам ушбу дардга чалиниб, 32 миллион нафардан ортиғи вафот этган. [1]

Маълумки, ушбу турдаги касалликларни тарқатганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигининг 113-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган. [2]

Ҳар қандай жиноятларнинг, шу жумладан, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жинояти бўйича ҳам ишни судга қадар юритишнинг бирламчи босқичи бу – терговга қадар текширув босқичи бўлиб, ушбу турдаги жиноятлар бўйича терговга қадар текширувнинг сифатли ўтказилиши, кечиктириб бўлмас тергов ва процессуал ҳаракатлар ҳамда тезкор қидирув тадбирларининг ўз вақтида ўтказилиши жиноят ишини ўз вақтида қўзғатиш, шунингдек келгусида дастлабки тергов ва суриштирувда мураккаб тергов вазиятларини олдини олишга, ҳақиқатни аниқлаш ва адолатли қарор қабул қилишга замин яратади.

Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жинояти бўйича амалга ошириладиган терговга қадар текширувнинг хусусиятлари ҳақида баён қилишдан олдин ушбу тушунчанинг ўзи ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Терговга қадар текширув тушунчаси ҳақида ҳозирга қадар мавжуд бўлган юридик



адабиётларда турли ҳил қарашлар мавжуд. Жумладан, У.Т. Таджихановнинг таъкидлашича, “терговга қадар текширув серқирра тушунча бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида жиноят ишини қўзғатиш, уни қўзғатишни рад этиш масаласи ҳал этилади”. [3]

Б.Т. Безлепкин эса жиноят ишини қўзғатиш босқичида қонуний асослар ёки сабабнинг мавжудлиги ёки йўқлигини текшириш (ёзма материаллар ва тушунтиришларни талаб қилиб олиш, ҳужжатли текширув ёки тафтишни тайинлаш) ўтказиш орқали амалга ошириш лозимлигини таъкидлаб, ушбу жараённи терговга қадар текширув деб аташни таклиф қилган. [4]

П.А. Лупинская ушбу тушунчани биров бошқачароқ талқин қилиб, терговга қадар текширув жараёнида тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят тўғрисидаги хабарни текшириш, аризачи томонидан тақдим этилган ҳаракатларни ўрганиш, аризада кўрсатилган асл маълумотларни таҳлил қилиш, аризачининг шахсини аниқлаш, аризанинг терговга тегишлилиги бўйича жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилишни аниқ белгилаб берувчи ҳаракатлар мажмуини назарда тутди. [5]

А. Ларин эса терговга қадар текширув тушунчасига жиноят ҳолатларини ўрганиш жиноят процессининг биринчи босқичи бўлган терговга қадар текширув жараёнида – жиноят иши қўзғатилишидан олдин бошланишини таъкидлайди. [6]

М.Д. Ботаев эса, юқорида қайд этилган олимларнинг фикрларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, ушбу фикрларда олимлар терговга қадар текширув босқичини таркибий тузилишига тегишли бўлган жараёнларни акс эттирган бўлсада, ушбу фикрлар бугунги кундаги терговга қадар текширувнинг моҳиятини, тушунчасини тўлиқ очиб бермайди деган хулосага келиб, бу судгача бўлган иш юритишнинг алоҳида босқичидир деб таъкидлаган. Унинг фикрича, терговга қадар текширув бу ишни судга қадар юритишнинг алоҳида босқичи бўлиб, тегишли ваколатларга эга бўлган масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш йўли билан қонуний ва асосланган ҳал қилув қарорини чиқаришга қаратилган процессуал ҳаракатлар тизимидир деб таърифлаган. [7]

Юқоридаги олимларнинг терговга қадар текширув тушунчасига берган фикрларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, биз М.Д. Ботаевни таърифларига қўшилаемиз. Зеро, Жиноят-процессуал кодекснинг 85-моддасига кўра, исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир.

Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятларида терговга қадар текширув босқичи бошқа турдаги жиноятлардан фарқли ўлароқ муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айнан шу босқичда Жиноят-процессуал кодекснинг 82-моддасида кўрсатиб ўтилган жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари ҳамда бошқа ишга алоқадор далиллар ва исботланиши лозим бўлган барча



ҳолатлар аниқланиб, якуни бўйича Жиноят-процессуал кодексининг 330-моддасига кўра, жиноят иши қўзғатиш, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ёки ариза ёки хабарни тегишлилиги бўйича юбориш ҳақидаги қарорлардан бири қабул қилинади.

Шу боис, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ жиноят содир этилган ҳолатни аниқлаш, шунингдек, текшириш ва фош қилиш учун унинг изларини топиш, аниқлаш ва олиб қўйишдаги муваффақият кўп жиҳатдан терговга қадар текширувни олиб бораётган мансабдор шахс, суриштирувчи ва терговчининг содир этилган таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш тўғрисидаги хабарларни текшириш жараёнидаги фаолияти самарадорлигига боғлиқ. Жумладан, В.Г. Косыхнинг фикрича, „терговга қадар текширув даврида, - ҳаттоки аризачи қилмишнинг барча тафсилотларини баён қилган бўлса ҳам ушбу хабарга асосланиб жиноят ишини қўзғатиш учун зарур бўлган ҳажмдаги ахборотга эга бўлишнинг имкони йўқдир“. [8]

Ушбу тоифадаги жиноий ишларини қўзғатиш сабаблари кўпинча: жиноят тўғрисидаги хабар, тиббиёт муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари мансабдор шахслари ёки алоҳида фуқароларнинг хабарлари, суриштирув ёки тергов органи томонидан жиноят белгиларини бевосита аниқлаши ва бошқа баъзи сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда тиббиёт муассасалари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш бўйича жиноий ҳолатларни аниқлаш, уларни тергов қилиш муаммолари бўйича ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида ягона ҳуқуқий ҳужжат йўқлиги сабабли, ушбу масалалар минтақавий даражада турлича ҳал қилинмоқда.

Шу боис, ушбу турдаги жиноят ишлари бўйича келгусида тергов даврида зарур бўлган далилларни ўз вақтида аниқлаш, тўплаш ва қайд қилиш учун ҳамда терговга қадар текширувни сифатли ташкил этиш учун ягона норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятлари бўйича терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб бориш билан боғлиқ амалиётнинг таҳлили баъзи бир ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади. Уларни куйидагиларда кўришимиз мумкин:

*Биринчидан*, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатишнинг хусусияти ушбу касалликлар фақатгина тегишли тартибда тиббий текширув асосида аниқланади. “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуннинг 16-моддасига кўра, [9] “Текширувдан ўтаётган шахсни ғайриихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш қонунчилиқда белгиланган тартибда унинг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёки суд ажримига кўра амалга оширилади”, деб белгилаб қўйилган бўлса-да, ҳозирги вақтда тергов амалиётида таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятдан ташқари жинсий эркинликка қарши жиноятлар (ЖК 118, 119, 120, 121-моддалари), ахлоққа қарши жиноятлар (ЖКнинг 128, 128<sup>1</sup>, 131-моддалари), шахсининг озодлигига қарши жиноятлар (ЖКнинг 135, 136-моддалари) бўйича жабрланувчи, гумон



қилинувчи ва айбланувчиларни таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга қарши текширувдан ўтказиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўтказилган таҳлиллар жиноят иши қўзғатилгунига қадар тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун жиноятдан жабрланган ёки бошқа ишга алоқадор шахсларни тегишли тартибда ОИВ касаллиги/ОИТСга қарши тиббий текширувдан ўтказилмасдан қолаётганлиги ёки ундан бош тортган шахсларга нисбатан бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш, шунингдек ЖК 118, 119, 120, 121, 128, 128<sup>1</sup>, 131, 135, 136-моддаларида кўрсатилган жиноятлар бўйича олиб борилаётган дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида аксарият ҳолатларда жабрланган, гумон қилинувчи, айбланувчилар таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга қарши текширувдан ўтмасдан қолмоқда. Бу эса кейинчалик ушбу касалликни ўзга шахсларга тарқатилиши оқибатида яширин жиноятларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанция судининг ажримига кўра, фуқаро “А” исми шахс 2016 йил 7 мартда ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан ОИВ касаллиги билан яшовчилар умумий рўйхатига ва “Д” назоратга олиниб, Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан шахсни ўзга шахсларга ОИВ инфекциясини юқтирганлик учун жинсий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганига қарамасдан, эркак жинсдаги шахслар билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондириш мақсадида 2020 ва 2021 йиллар давомида ўзи мантазам яшаб келаётган “Ч” исми шахс билан “Hornet-LGBT” дастури орқали танишиб, у билан зўрлик ишлатмасдан, ҳимояланмаган ҳолда жинсий алоқа қилиб, иккаласи бесоқолбозлик билан шуғулланиб, жинсий эҳтиёжларини қондиришлари оқибатида, “Ч” исми шахсга ОИТСни юқтирган. [10]

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 58-моддасида таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраганлиги ҳақида етарли маълумотлар бўлган шахсларнинг соғлиқни сақлаш органлари томонидан огоҳлантирилганидан кейин ҳам текширувдан бўйин товлаши учун жавобгарлик белгиланган, [11] холос. Бундан кўриниб турибдики, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича ОИВга қарши тиббий текширувдан ўтиши лозим бўлган шахслар ғайриихтиёрий тарзда тиббий текширувдан ўтишдан бош тортса, қаршилиқ қилса ёки бўйин товласа ёхуд чақирувга биноан келмаса, терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб бораётган мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчида уни мажбурий тартибда тиббий текширувдан ўтказиш ваколати мавжуд эмас. Бу бўйича амалдаги қонун қонунчилигимизда бирон бир жавобгарлик белгиланмаган. Юқоридаги омиллардан келиб чиққан ҳолда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органи мансабдор шахслари томонидан ОИВга қарши тиббий текширувдан ўтиши лозим бўлган шахсларни мажбурий тартибда ОИВга қарши тиббий текширувдан ўтиши ҳақидаги қарорини бажаришдан бош тортганлик, бўйин товланганлик ёки тиббиёт муассасасига бормаган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлишини акс эттиришимиз мақсадга мувофиқ бўлади.



**Иккинчидан**, маълумки, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича терговга қадар текширув даврида касалликни ўзга шахсга юктирган ёки юктириш хавфи остида қолдирган шахс ҳамда унинг жинсий шериги (агарда эр-хотин бўлса), шунингдек жабрланган шахснинг тиббий ҳужжатлари (тиббий картаси, маълумотномаси)да иш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотлар қайд этилган бўлиб, уларнинг айнан қайсилари зарурлигини аниқлаш, шунингдек уларни йўқ бўлиб кетишини олдини олиш мақсадида мутахассилар иштирокида олиш ҳамда тегишли тартибда кўздан кечириш зарурати юзага келганлигини кўриш мумкин.

- биринчидан, олинган материаллар, қоида тариқасида, уни текшириш учун бироз ҳаракат талаб қиладиган маълумотларни ўз ичига олади;

- иккинчидан, ушбу маълумотлар кўпинча тарқоқ бўлиб, етишмаётган маълумотларни олишга қаратилган қўшимча текшириш ҳаракатларини талаб қилади. Бир вақтнинг ўзида олинган маълумотларни ўрганиш ва қўшимча тиббий ҳужжатлар ва уларнинг маълумотларини излаш, топиш учун терговчи ёки суриштирувчининг ўзи томонидан амалга оширилиши анча қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкинлигини инобатга олиб, мутахассис билан бирга, унинг ёрдамидан фойдаланган ҳолда олиш мақсадга мувофиқдир;

- учинчидан, текшириш давомида ҳужжатларни кўздан кечириш ва таҳлил қилиш, уларни ўрганиш ушбу соҳада чуқур ихтисослаштирилган тиббий билимлардан фойдаланишни талаб қилади. Бу борада мутахассис билимидан фойдаланиш терговга қадар текширув даврида, қолаверса терговда жиноятларни фош этиш ва тергов қилишга катта ёрдам бериши мумкин.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 август кунги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорининг 3-банди 5-хатбошисида “жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида” олинган далил мақбул эмас деб топилишига сабаб бўлиши кўрсатилган. [12]

Юқорида қайд этилган масалалардан келиб чиққан ҳолда ЖПКнинг 329-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги тўлдирилган таҳрирда:

**1) “Ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш ушбу Кодекс 162 -моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, нарса ва ҳужжатни кўздан кечириш, олиб қўйиш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, чақирув қоғозини юбориш, мажбурий келтириш, мутахассис жалб қилиш ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.”**

**2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси “Терговга қадар текширув ўтказилаётган шахс” деб номланган 48<sup>1</sup>-моддаси билан тўлдирилсин ва қуйидагича таҳрирда баён этилсин:**



**Терговга қадар текширув ўтказилаётган шахс - жиноят иши қўзғатилгунга қадар юзага келган ҳолатларни аниқлаш учун ижтимоий хавфли қилмиш содир этган-этмаганлиги ҳолати текширилаётган шахсдир.**

**3) ЖПКнинг 69-моддаси биринчи қисмини қуйидагича тўлдирилган таҳрирда баён этилсин:**

**Терговга қадар текширув, тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсига, суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилади.**

**4) ЖПКнинг 179-моддаси сони ва 1-қисми биринчи хатбошиси қуйидаги мазмунда тўлдирилсин:**

**179-модда. Терговга қадар текширув ўтказилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари.**

**“Терговга қадар текширув ўтказилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертиза тайинлаш ва ўтказишда:...”**

**5) МЖтКнинг 58-моддасини қуйидагича иккинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилсин:**

**“Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёки суд ажримиغا кўра, шахсинг ғайрихатиёрий равишда таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга тиббий текширувдан ўтишдан бўйин товлаши-**

**Базаваий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.**

Юқорида баёни келтирилганларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, биз таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги хабарлар бўйича терговга қадар текширувни ўтказишнинг қуйидаги концептуал алгоритмини ишлаб чиқдик:

1) жиноят тўғрисидаги хабар (ОИТСга қарши кураш маркази ва бошқа тиббиёт муассасасининг йўлланма хати) ни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;

2) зудлик билан тергов-тезкор гуруҳи таркибида ҳодиса содир бўлган жойга бориш;

3) жиноят ҳақида хабар берган ОИТСга қарши кураш маркази шифокоридан ва бевосита гумон қилинувчини жиний жавобгарлик ҳақида огоҳлантирган шифокордан, шунингдек ҳодисанинг бошқа иштирокчилари ва гувоҳлардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш;

4) касаллик аниқланган шахс ҳақида, унинг қачон ва қандай тартибда тиббий текширувдан ўтказилганлиги ҳамда унда касаллик аниқлангач қачон рўйхатга қўйилганлиги ва шу каби иш учун муҳим ҳолатлар бўйича маълумотнома талаб қилиб олиш;

5) касаллик аниқланган шахсининг барча тиббий ҳужжатларини (касалланган шахс ҳақидаги эпидемиологик карта ва шу каби) мутахассис иштирокида олиш ва уларни кўздан кечириш;



6) ҳодиса жойини кўздан кечириш (идентификация қилиш, аниқлаш ва изларини олиб қўйиш);

7) жабрланган шахсда зўрлик аломатлари бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида ҳамда юқтирган касаллиги бўйича унга нисбатан суд-тиббий экспертиза тайинлаш;

8) жабрланган ва жиноят содир этган шахснинг шахсига доир маълумотларни (уларнинг ўзаро таниш-нотанишлиги, ўрталаридаги муносабатлар ва шу каби) топиш ва тўплаш;

9) тиббиёт бирлашмасидан гумондор ва жабрланган шахс ҳаёти давомида қон ва қон компонентларини қуйдирган-қуйдирмаганлиги, донор сифатида қон топширган-топширмаганлиги, инъекцион наркотик моддалар қабул қилган-қилмаганлиги, наркологик касалликлари диспансерида рўйхатда туриш-турмаслиги, ДПМ ларда даволанган-даволанмаганлиги ҳақида маълумотнома олиш;

10) гумондор ва жабрланган шахс илгари чет элга чиққан-чиқмаганлиги тўғрисида ИИБ М ва ФРБдан маълумотнома олиш;

11) гумондор ва жабрланувчи шахснинг илгари судланган-судланганлиги, судланиб, ОМҚ жазоси қўлланилган бўлса, жазони қаерда ўтаганлиги ҳақида ЖИЭМдан маълумотнома олиш;

12) жиноят ишини қўзғатиш ёки ишни қўзғатишни рад қилиш ёхуд ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида қарор қабул қилиш.

Юқорида қайд этилган рўйхат қатъий эмас, балки тавсия характерга эга бўлиб, ҳар бир терговга қадар текширув материалдан келиб чиққан ҳолда ишни юритишга ваколатли мансабдор шахс томонидан мустақил равишда ҳал қилиниши мумкин.

Мазкур турдаги жиноятлар бўйича терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва суриштирув тўла, ҳар томонлама, холисона ва албатта сифатли олиб борилиши ҳамда тўпланган далиллар холисона баҳоланиши, ишнинг якуний натижалари бўйича эса қонуний қарор қабул қилиниши ўта муҳимдир.

## References:

1. [https://uza.uz/uz/posts/bugun-butunzhahon-oitsga-qarshi-kurash-kuni\\_430843](https://uza.uz/uz/posts/bugun-butunzhahon-oitsga-qarshi-kurash-kuni_430843);
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент “Yuridik adabiyotlar publish” 2022;
3. Юридик энциклопедия / юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., – 2001. – Б.156– 157;
4. Безлепкии Б.Т. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2007. С. 317 ;
5. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: Учебник/ отв. ред. П.А. Лупинская. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2011. С.458. Ожегов С.Н., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений. 4-е изд., доп. – М., 2004. С. 605;
6. Ларин А. Версии при возбуждении уголовного дела // Социалистическая законность. – 1976. – № 1. –С. 54.
7. Ботаев М.Д. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш: Дис.– Т., 2020. –С.19;



8. Косых В.Г. Расширение перечня оснований для продления срока проверки заявлений и сообщений о преступлениях // Уголовный процесс. – № 4. – 2007. – С. 18.
9. “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2013 йилдаги 353-сонли Қонуни;
10. Public.uz сайтидан электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 2023 йил 17 март;
11. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодекси// <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 19.03.2022 й).
12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 август кунги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарори.